Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

298 Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 ноябрдаги 344-сон «Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири **А. АЛИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 17 май,
53-сон

Молия вазири **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 17 май,
36-сон

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2016 йил 17 майдаги
53 ва 36-сон қарорига
ИЛОВА

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 27 ноябрдаги 344-сон «Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ, муҳтож шахсларни, шу жумладан ногиронлик гуруҳига эга бўлмаган пенсия ёшидаги муҳтож шахсларни (бундан буён матнда пенсия ёшидаги муҳтож шахслар деб юритилади) протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ҳамда кресло-аравачалар билан таъминлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан бепул таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган имтиёзли шахсларга қуйидагилар киради:

пенсия ёшидаги муҳтож шахслар;

16 ёшгача бўлган ногирон болалар;

16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронлар.

2. 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ҳамда 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронлар (бундан буён матнда муҳтож ногиронлар деб юритилади), шунингдек пенсия ёшидаги муҳтож шахслар мазкур Низомнинг 1-иловасидаги протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан бепул таъминланади.

3. Муҳтож ногиронлар ногиронни реабилитация қилишнинг якка тар-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

тибдаги дастурига мувофиқ реабилитация техник воситаларини ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган тақдирда, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда компенсация тўланади.

4. Ташкилотда меҳнат фаолиятини бажариш вақтида юзага келган жароҳатланиши оқибатида шахсга мазкур Низомда белгиланган тартибда бериладиган протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар учун харажатлар ташкилот томонидан қопланади.

2-боб. Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга муҳтожлик тўғрисида тиббий хулоса бериш

5. Муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади) ёки Тиббий-маслаҳат комиссиясининг (бундан буён матнда ТМК деб юритилади) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги тиббий хулосаси асосида берилади. Бунда 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ҳамда пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга уларнинг яшаш жойидаги ТМК томонидан, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронларга уларнинг яшаш жойидаги ТМЭК томонидан берилади.

6. Пенсия ёшидаги муҳтож шахсга унинг ёки қонуний вакилининг аризаси ҳамда даволовчи врачнинг тиббий ҳужжатларига (амбулатор картаси, зарур бўлганда, касаллик тарихидан кўчирма) асосан тиббий хулоса расмийлаштирилади. Бунда шахснинг протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга муҳтожлик муддати ҳар бир касаллик ҳолатида касалликнинг хусусияти ва кечишига, организм функцияларининг бузилиши даражасига ва компенсаторлик механизмларининг ҳолатига қараб якка тартибда аниқланади.

Тиббий хулосанинг амал қилиш муддати 6 ойдан ошмаслиги лозим.

16 ёшгача бўлган ногирон болага қонуний вакилининг аризаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронларга ногироннинг ёки қонуний вакилининг аризаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида тиббий хулоса расмийлаштирилади.

7. Расмийлаштирилган тиббий хулосалар ҳақидаги маълумотлар тегишли ТМЭК ёки ТМК томонидан мазкур Низомнинг 3-иловасида белгиланган шаклдаги ТМЭК (ТМК)да тиббий хулосаларни қайд этиш журналига киритиб борилади.

8. ТМЭК ёки ТМК томонидан тиббий хулосаларни расмийлаштиришда тегишлича мазкур Низомнинг 4 ва 5-иловаларида назарда тутилган тиббий кўрсатмаларга асосланилиши лозим.

9. Пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга берилган тиббий хулосалар 6 ойгача, муҳтож ногиронларга берилган тиббий хулосалар эса, ногиронликнинг

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

муддатидан келиб чиқиб, қайта ногиронликка ўтиш муддатигача ёки улардан фойдаланиш муддатигача берилади.

Тиббий хулоса протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалардан фойдаланиш муддати тугагандан кейин қайта расмийлаштирилади.

10. Тиббий хулосаларнинг асослилиги ва тўғри расмийлаштирилиши учун уни расмийлаштирган ва имзолаган шахслар жавобгар ҳисобланади.

11. Шахсда алоҳида махсус тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда, Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ёки Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари қошидаги Тиббий-техник комиссиялар томонидан муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахслар қўшимча текширувдан ўтказилиши ва протез-ортопедия буюмларини тайёрлашда қўшимча тиббий ва техник хулоса берилиши мумкин.

3-боб. Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш

12. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан тегишлича мазкур Низомнинг 6 ва 7-иловаларига мувофиқ шаклда муҳтож шахслар рўйхати (бундан буён матнда муҳтож шахслар рўйхати деб юритилади) юритилади ва мунтазам равишда янгилаб борилади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тегишли ТМЭК ва ТМК билан биргаликда ҳар йили 20 декабрдан кечиктирмай кейинги йил учун молиялаштириш ҳажмини аниқлаш мақсадида ҳудуд бўйича муҳтож шахслар рўйхатини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига (бундан буён матнда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси деб юритилади) электрон ва ёзма шаклда тақдим этади.

13. Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари умумлаштирилган муҳтож шахслар рўйхати асосида протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларни тайёрловчи ва/ёки етказиб берувчи корхоналар (бундан буён матнда корхона деб юритилади) билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома тузади.

Ҳисобот йили давомида ТМЭК ёки ТМКга биринчи марта мурожаат қилган ва тиббий хулоса расмийлаштирилган муҳтож шахслар рўйхатига киритилмаган муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахслар тўғрисидаги маълумотлар ТМЭК ёки ТМК томонидан тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига электрон ва ёзма шаклда тақдим қилинади. Бунда ўтган ой бўйича маълумотлар кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари қабул қилиб олинган қўшимча эҳтиёж бўйича маълумотларни улар қабул қилиб олинган кундан бошлаб

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

3 иш куни ичида тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасига электрон ва ёзма шаклда юборади.

14. Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари қабул қилиб олинган муҳтож шахслар рўйхатига киритилмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради ва қўшимча эҳтиёжлар учун ҳам корхоналар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартномалар тузади.

Харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4-боб. Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш

15. Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахслар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги йўлланма-талонлар билан таъминлайди.

16. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси билан шартнома тузган корхонага тақдим этиш учун тиббий хулосалар асосида протез-ортопедия буюмларини тайёрлаш учун йўлланма-талон расмийлаштирилади.

17. Йўлланма-талон ҳар бир протез-ортопедия буюми учун алоҳида расмийлаштирилади (протез пойабзали ва ортопедик пойабзал учун унинг бир жуфтига 1 та йўлланма-талон расмийлаштирилади).

Йўлланма-талон 3 та — «А», «В» ва «С» қисмдан иборат бўлади.

Расмийлаштирилган йўлланма-талонлар ҳақида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Протез-ортопедия буюмлари учун расмийлаштирилган йўлланма-талонларни қайд этиш журналига тегишли ёзув киритиб борилади.

18. Биринчи марта мурожаат қилган муҳтож шахсларга йўлланма-талон расмийлаштирилганда, бу ҳақда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Протезланувчининг картасига қайд этилади.

Протезланувчининг картаси туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахс учун очилган йиғмажилдда сақланади. Муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахснинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, унинг йиғмажилди янги яшаш жойидаги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига юборилади.

19. Йўлланма-талоннинг «А» қисми, «В» ва «С» қисмларининг 1 — 11-бандлари (11-банд ҳам) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан тўлдирилади ҳамда ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Йўлланма-талоннинг «В» ва «С» қисмларидаги 12 ва 13-бандлар корхона томонидан тўлдирилади.

Йўлланма-талоннинг «А» қисми уни расмийлаштирган туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида қолади, «В» ва «С» қисмлари номига йўлланма-та-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

лон расмийлаштирилган муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахсга берилади. Бунда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси масъул ходими томонидан муҳтож ногиронга, пенсия ёшидаги муҳтож шахсга протез-ортопедия буюмини олиш учун корхонага мурожаат қилиш муддати ва тартиби тушунтирилади.

Муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга йўлланма-талон асосида протез-ортопедия буюмини олиш муддати корхона билан тузилган шартномадан келиб чиқиб белгиланади.

20. Муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахс йўлланма-талон билан корхонага мурожаат қилганда, унга корхона томонидан протез-ортопедия буюмини тайёрлаш учун кетадиган вақт ҳисобга олинган ҳолда протез-ортопедия буюмининг тахминий тайёр бўлиш куни ҳақида маълумот берилади. Бунда корхона томонидан протез-ортопедия буюмини тайёрлаш муддати тузилган шартномада кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

21. Корхона томонидан ҳар бир тайёрланган протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси ва кресло-аравачалар техник паспорти ҳамда фойдаланиш бўйича йўриқномаси билан биргаликда берилиши лозим.

22. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси корхона томонидан етказиб берилган реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларни белгиланган тартибда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасидан қабул қилиб олади.

Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларини тегишли реабилитация техник воситаси ёки кресло-аравачани олиб кетиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилади. Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар муҳтож шахслар рўйхати ва навбат асосида берилади.

Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бош врачи ҳамда муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахс ёки уларнинг қонуний вакиллари ўртасида тузиладиган шартномага асосан топширилади.

23. Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминланган муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахс соғайиб кетганлиги ёки вафот этганлиги сабабли, унга берилган реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалардан фойдаланишга зарурат қолмаганда, улар муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахс ёки уларнинг қонуний вакиллари томонидан тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига қайтарилиши шарт.

24. Муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахс ёки уларнинг қонуний вакиллари тайёрланган протез-ортопедия буюмини бевосита корхонадан қабул қилиб олади.

25. Йўлланма-талоннинг «С» қисмининг тегишли бандлари тўлиқ тўлдирилгандан сўнг, корхона томонидан ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасига юборилади. Йўлланма-талоннинг «В» қисми корхонада қолади.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

26. Корхона юборган йўлланма-талоннинг «С» қисми асосида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларнинг протез-ортопедия буюмлари билан амалда таъминланганлиги ўрганилади.

27. Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларнинг протез-ортопедия буюмлари билан амалда таъминланганлиги ўрганилгандан сўнг, йўлланма-талоннинг «С» қисми 1 ой ичида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига сақлаш учун юборилади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси йўлланма-талоннинг «С» қисмига асосан ушбу йўлланма-талон расмийлаштирилиши учун асос бўлган тиббий хулосанинг қайтарма қисмини тегишли ТМЭК ёки ТМКга сақлаш учун юборади.

ТМЭКга юборилган тиббий хулосанинг қайтарма қисми муҳтож ногироннинг кўрик ишида, ТМКга юборилган тиббий хулосанинг қайтарма қисми муҳтож ногирон, пенсия ёшидаги муҳтож шахснинг якка тартибдаги амбулатор картасида сақланади.

28. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 3-санасидан кечиктирмасдан тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасига, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари эса, ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлича мазкур Низомнинг 11 ва 12-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботларни электрон ва ёзма шаклда тақдим этади.

5-боб. Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларни таъмирлаш ёки алмаштириш

29. Протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси ва кресло-аравача мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган кафолат муддатида носоз бўлиб қолганда, у шартнома шартларига мувофиқ корхона томонидан бепул таъмирлаб берилади ёки бошқа яроқлисига алмаштирилади.

30. Протез-ортопедия буюмлари тиббий хулосага асосан қуйидаги ҳолларда бошқасига алмаштириб берилади:

муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларнинг жисмоний ривожланиши оқибатида протез-ортопедия буюмлари ўлчамлари уларга тўғри келмай қолса;

муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларда касаллик кечишининг ёмонлашуви оқибатида айнан шу протез-ортопедия буюмларидан фойдаланиш имкони бўлмаса;

муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахсларда ўтказилган жарроҳлик муолажаларидан сўнг юзага келган анатомик ёки физиологик ўзгаришлар оқибатида протез-ортопедия буюмлари фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

31. Протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси ва кресло-аравача кафолат муддати тугагандан кейин носоз бўлиб қолганда, уларни таъмирлаш ёки носозликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси ва кресло-аравачанинг носозлиги тўғрисида тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан далолатнома расмийлаштирилади ҳамда таъмирланиши лозим бўлган протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси ва кресло-аравачани таъмирлашга мазкур Низомда белгиланган тартибда корхонага мурожаат қилиш учун йўлланма-талон расмийлаштириб берилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

32. Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

33. Муҳтож ногиронлар, пенсия ёшидаги муҳтож шахслар протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш билан боғлиқ мазкур Низомда белгиланган талаблардан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

34. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия
буюмлари, реабилитация техник воситалари
ва кресло-аравачалар билан таъминлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар РЎЙХАТИ

Т/р	Турлари	Кафолат муддати	Фойдаланиш муддати
	Протез-ортопедия буюмлари		
1.	Қўл протезлари: елка протези; елкадан олиб ташлангандан кейинги қўл протези; билак протези; кафт протези.	6 ой	24 ой

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Т/р	Турлари	Кафолат муддати	Фойдаланиш муддати
2.	Оёқ протезлари: сон протези; сон олиб ташлангандан кейинги оёқ протези; болдир протези.	6 ой	24 ой
3.	Қўл ва оёқ камари ортопед аппаратлари, пластик корсетлар.	6 ой	24 ой
4.	Корсет	3 ой	24 ой
5.	Кўкрак бези экзопротези	6 ой	12 ой
6.	Қўл ва оёқ камари тутори	3 ой	12 ой
7.	Бандаж	3 ой	12 ой
8.	Мураккаб ортопед пойабзал ва протезга пойабзал	4 ой	12 ой
Реабилитация техник воситалари			
1.	Эшитиш мосламаси	12 ой	4 йил
2.	Қўлтиқ таёқ	12 ой	2 йил
3.	Ҳасса	12 ой	2 йил
Кресло-аравачалар			
1.	Хонага мўлжалланган кресло-аравача	12 ой	5 йил
2.	Сайр қилиш кресло-аравачаси	12 ой	5 йил

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга муҳтожлик тўғрисидаги _____сонли ТИББИЙ ХУЛОСА

1. _____
(Ф.И.О.)

2. _____
(Туғилган кун, ой, йил)

3. _____
(Яшаш манзили)

4. _____
(муҳтож ногирон ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс)

_____
(ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати (агар ногирон бўлса)

5. _____
(клиник ташхис)

6. Ушбу тиббий хулоса _____
(протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси, кресло-аравача)
олиш учун берилди.

7. _____
(бирламчи, қайта)

8. _____
(протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси, кресло-аравачанинг номи ва коди)

9. Тиббий хулоса берилган сана _____
(кун, ой, йил)

10. ТМЭК (ТМК) раиси _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

(қирқиш чизиғи)

Ушбу маълумотнома _____ нинг
(Ф.И.О.)

20___йил ____ _____да

_____
(протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси, кресло-аравачанинг номи ва коди)
билан таъминланганлигини тасдиқлайди.

_____
(корхона номи)

_____ туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси
бош врачи _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

М. Ў.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия
буюмлари, реабилитация техник воситалари ва
кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ТМЭК (ТМК)да тиббий хулосаларни қайд этиш
ЖУРНАЛИ

Т/р	**Ф.И.О.**	**Тиббий хулоса берилган сана** *(кун, ой, йил)*	**Яшаш жойи**	**Муҳтож ногирон ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс**	**Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати** *(агар ногирон бўлса)*	**Протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси, кресло-аравачанинг тури**	**Тиббий хулосанинг қайтарма қисми қабул қилинган сана**	**Таъминланган протез-ортопедия буюми, реабилитация техник воситаси, кресло-аравачанинг номи**	**Тиббий хулосани қабул қилиб олувчи шахснинг имзоси**
1.									
2.									
...									

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга 4-ИЛОВА

Протез-ортопедия буюмларига муҳтожликни аниқлаш бўйича ТИББИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Протез буюмларга:

қўлнинг чўлтоқлиги;

билакнинг чўлтоқлиги;

елканинг чўлтоқлиги;

соннинг чўлтоқлиги;

болдирнинг чўлтоқлиги;

оёқнинг ампутацион чўлтоқлиги.

2. Ортопедик аппаратларга:

полиомиелит (қоқшол) касаллиги асоратлари (шу жумладан, оёқ парези);

сон ва болдир соҳасидаги сохта бўғимлар;

туғма ёки орттирилган патологиялар натижасида оёқнинг 3 сантиметр ва ундан ортиқ калталиги;

болалар церебрал фалажлиги.

3. Кўкрак бези экзопротезларига:

онкологик ўсмалар ва бошқа сабаблар туфайли кўкрак безининг олиб ташланганлиги.

4. Туторларга:

полиомиелит асоратлари;

секин битадиган синиқлар ва сохта бўғимлар.

5. Корсетларга:

сколиоз;

остеохондроз асоратлари (диск чурраси, спондилолистез, орқа мия нерв толасининг эзилиши натижасида ривожланган сколиоз);

кифоз;

умуртқа канали стенози;

умуртқа поғонаси жароҳати асоратлари (умуртқалар ўйноқилиги, орқа мия фаолиятининг бузилиши, спондилолистез).

6. Бандажларга:

қайталанувчи ёки жарроҳлик амалиётини қўллаш имкони бўлмаган чурралар.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

7. Мураккаб ортопед пойабзалига:

орттирилган, тизимли, ирсий ёки туғма патологиялар натижасида оёқнинг 3 сантиметрдан ортиқ анатомик калталиги;

товон юзасининг варус ёки вальгусли деформацияси натижасида оёқни ички томонга ёки ташқи томонига қийшайиши;

оёқ кафти ампутацияси ёки экзоартикуляциясидан (Шопар, Лисфранк, Горанжо, Шарп усулида ва бошқалар) кейинги чўлтоқлик;

ошиқ-товон бўғимини мустаҳкамлашни талаб этадиган оёқлар ярим фалажлиги (парези) ёки фалажлиги (параличи);

болалар церебрал фалажлиги;

оёқ панжасининг ривожланган эквинус-варус қийшиқлиги, оёқ панжаси фалажлиги (от туёғи);

оёқ кафти ясси вальгусли фалажлик деформацияси;

оёқ панжасининг куйиш, совуқ уриши, электр жароҳати ёки жарроҳлик муолажаси натижасидаги деформациялари;

оёқ панжасининг ривожланган ва турғун лимфастази (фил оёқлик) ва у билан боғлиқ бўлган трофик ўзгаришлар.

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия
буюмлари, реабилитация техник воситалари
ва кресло-аравачалар билан таъминлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга муҳтожликни аниқлаш бўйича ТИББИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Хонага мўлжалланган кресло-аравача қуйидаги исталган ҳолатларда ёки касаллик асоратларида тавсия этилади:

NYHA бўйича III даража/IV функционал классдаги сурункали юрак етишмовчилиги;

III даража нафас олиш етишмовчилиги билан асоратланган нафас олиш органлари касалликлари, ҳар қандай даражадаги қон айланиши етишмовчилиги билан уйғунликда;

жигар функцияларининг намоён бўлган бузилиши, портал гипертензия ва асцит билан биргаликдаги жигар касалликлари;

IV даража (терминал босқич)даги сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келадиган буйрак касалликлари;

гемиплегия, намоён бўлган гемипарез, намоён бўлган пастки парапарез, параплегия, намоён бўлган трипарез, триплегия, намоён бўлган тетрапарез, тетраплегия;

акинетик-ригид синдроми; кескин намоён бўлган атаксия, шу жумла-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

дан намоён бўлган вестибуляр-мияча бузилишлари; яққол намоён бўлган гиперкинетик бузилишлар;

иккала тиззадаги ва ундан юқоридаги ампутация чўлтоқлиги, оёқ функциялари сезиларли бузилган ҳолдаги иккинчи оёқнинг ампутация чўлтоқлиги;

иккала тизза ва билак-кафт бўғимларининг деформацияловчи IV даражали остеоартрози;

оёқлар ва тос суяклари дефекти, деформацияси ва туғма аномалияси (ривожланиш нуқсонлари) оқибатида юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

намоён бўлган оғриқ синдроми, кескин намоён бўлган контрактура, юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари билан бирга иккала оёқнинг III-IV даражали тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларининг деформацияловчи артрози;

иккала тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларини эндопротезлашдан кейинги оғир асоратлар.

2. Сайр қилиш кресло-аравачаси қуйидаги исталган ҳолатларда ёки касаллик асоратларида тавсия этилади:

гемиплегия, намоён бўлган гемипарез, намоён бўлган пастки парапарез, параплегия, намоён бўлган трипарез, триплегия, намоён бўлган тетрапарез, тетраплегия;

ақлий заифликнинг, руҳий касалликлар (деменция)нинг оғир даражаси оқибатида юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

иккала тиззадаги ва ундан юқоридаги ампутация чўлтоқлиги, оёқ функциялари сезиларли бузилган ҳолдаги иккинчи оёқнинг ампутация чўлтоқлиги;

иккала тизза ва билак-кафт бўғимларининг деформацияловчи IV даражали остеоартрози;

оёқлар ва тос суяклари дефекти, деформацияси ва туғма аномалияси (ривожланиш пороклари) оқибатида юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

иккала оёқнинг III-IV даражали тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларининг деформацияловчи артрози, намоён бўлган оғриқ синдроми, кескин намоён бўлган контрактура, юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари билан бирга;

иккала тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларини эндопротезлашдан кейинги оғир асоратлар.

3. Эшитиш мосламасига:

туғма, орттирилган ва аралаш кохлеар неврит;

эшитиш қобилияти пасайишининг III ва IV даражаси (сурдологнинг иккала қулоқнинг эшитиш қобилияти пасайганлиги тўғрисидаги хулосаси асосида).

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

4. Қўлтиқ таёққа:

битта оёқнинг таянч-ҳаракат фаолияти тўлиқ бузилган ҳолатлар ҳамда анатомик дефектларда.

5. Ҳассага:

бир оёқнинг таянч-ҳаракат фаолияти қисман бузилган ҳолатларда, шунингдек мураккаб протез ва ортез билан таъминланган ҳолатларда;

кўзи ожизларга.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Протез-ортопедия буюмларига муҳтож шахслар РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили	Яшаш манзили	Муҳтож ногирон ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс	Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати *(агар ногирон бўлса)*	Ташхис	Муҳтожлик аниқланган протез-ортопедия буюмнинг номи ва коди	
							протез-ортопедия буюмини олиш учун берилган йўлланма-талон берилган санаси	протез-ортопедия буюми билан охирги марта таъминланган сана
1.								
2.								
...								

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга муҳтож шахслар РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили	Яшаш манзили	Муҳтож ногирон ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс	Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати *(агар ногирон бўлса)*	Ташхис	Реабилитация техник воситалари ва кресло-аравача номи	
							ушбу воситани оладиган сана	ушбу воситани охирги марта олган сана
1.								
2.								
...								

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Протез-ортопедия буюмини олиш учун ЙЎЛЛАНМА-ТАЛОН

А қисми № _____

1. Расмийлаштириш санаси _____
2. Расмийлаштирган туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси _____
3. Протез-ортопедия буюмига муҳтож шахснинг Ф.И.О. _____
4. Туғилган вақти _____
5. Паспорт серияси ва рақами _____ _____ ким томонидан берилган _____
6. Яшаш манзили ва телефон рақами _____
7. ТМЭК (ТМК) хулосаси (ташхис)
8. Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати
9. Протез-ортопедия буюмининг номи ва коди
10. Протез-ортопедия буюмининг нархи _____
11. Йўлланма-талонни расмийлаштирган шахс

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бош врачи _____

Йўлланма-талонни қабул қилиб олган шахснинг Ф.И.О. ва имзоси _____

Протез-ортопедия буюмини олиш учун ЙЎЛЛАНМА-ТАЛОН

В қисми № _____

1. Расмийлаштириш санаси _____
2. Расмийлаштирган туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси _____
3. Протез-ортопедия буюмига муҳтож шахснинг Ф.И.О. _____
4. Туғилган вақти _____
5. Паспорт серияси ва рақами _____ _____ ким томонидан берилган _____
6. Яшаш манзили ва телефон рақами _____
7. ТМЭК (ТМК) хулосаси (ташхис)
8. Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати
9. Протез-ортопедия буюмининг номи ва коди
10. Протез-ортопедия буюмининг нархи _____
11. Йўлланма-талонни расмийлаштирган шахс
12. Протез-ортопедия буюмини тайёрлаган корхона _____
13. Корхонада тайёрланган протез-ортопедия буюми коди ва нархи _____

Корхона раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси _____

Протез-ортопедия буюмини олувчининг Ф.И.О. ва имзоси _____

Буюртма қабул қилинган сана _____

Протез-ортопедия буюмини олиш учун ЙЎЛЛАНМА-ТАЛОН

С қисми № _____

1. Расмийлаштириш санаси _____
2. Расмийлаштирган туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси _____
3. Протез-ортопедия буюмига муҳтож шахснинг Ф.И.О. _____
4. Туғилган вақти _____
5. Паспорт серияси ва рақами _____ _____ ким томонидан берилган _____
6. Яшаш манзили ва телефон рақами _____
7. ТМЭК (ТМК) хулосаси (ташхис)
8. Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати
9. Протез-ортопедия буюмининг номи ва коди
10. Протез-ортопедия буюмининг нархи _____
11. Йўлланма-талонни расмийлаштирган шахс
12. Протез-ортопедия буюмини тайёрлаган корхона _____
13. Корхонада тайёрланган протез-ортопедия буюми коди ва нархи _____

Корхона раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси _____

Протез-ортопедия буюмини олувчининг Ф.И.О., имзоси ва қабул қилиб олган санаси _____

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга 9-ИЛОВА

Протез-ортопедия буюмлари учун расмийлаштирилган йўлланма-талонларни қайд этиш ЖУРНАЛИ

Т/р	Йўлланма-талон расмийлаштирилган шахснинг Ф.И.О.	Туғилган вақти (кун, ой, йил)	Яшаш манзили	Паспорт серияси, рақами ва ким томонидан берилганлиги (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома)	ТМЭК ёки ТМК томонидан берилган тиббий хулосанинг берилган санаси ва рақами	Муҳтож ногирон ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс	Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати *(агар ногирон бўлса)*	Ташхис	Йўлланма-талон расмийлаштирилган сана, рақами, протез-ортопедия буюми номи ва коди	Протез-ортопедия буюми билан таъминланган сана
1.										
2.										
...										

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия
буюмлари, реабилитация техник воситалари
ва кресло-аравачалар билан таъминлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

20___ йил _____ ойида протез-ортопедия буюмлари билан таъминланган муҳтож ногиронлар ва пенсия ёшидаги муҳтож шахслар ҳақида
ҲИСОБОТ

Т/р	Туман (шаҳар)	Муҳтожлик																									
		жами		шу жумладан									шундан														
				пенсия ёшидаги шахслар		16 ёшдан катта ногирон-лар		шу жум-ладан, 16 — 18 ёшдаги-лар		16 ёшгача ногирон болалар		режалаштирилган маблағ (минг сўмда)	сон суяги тўлиқ олинганидан кейинги протез	сон протези	болдир протези	елка протези	билак протези	қўл панжаси протези	қўкрак бези протези	оёқ аппарати	қўл аппарати	оёқ тутори	қўл тутори	корсет	мураккаб пойабзал	протез учун пойабзал	бошқа протез-ортопедия буюмлари
		контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони																
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27
1.																											
2.																											
...																											

WWW.LEX.UZ

Жадвалнинг давоми

Таъминот																									
жами		шу жумладан									шундан														
		пенсия ёшидаги шахслар		16 ёшдан катта ногиронлар		шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар		16 ёшгача ногирон болалар		сарфланган маблағ (минг сўмда)	сон суягини тўлиқ олингандан кейинги протез	сон протези	болдир протези	елка протези	билак протези	қўл панжаси протези	кўкрак бези протези	оёқ аппарати	қўл аппарати	оёқ тутори	қўл тутори	корсет	мураккаб пойабзал	протез учун пойабзал	бошқа протез-ортопедия буюмлари
контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони	контингент (одам.)	буюмлар сони																
28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52	53

Изоҳ: мазкур ҳисобот туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан тўлдирилади.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия
буюмлари, реабилитация техник воситалари
ва кресло-аравачалар билан таъминлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

20___ йил _____ ойида реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминланган муҳтож ногиронлар ва пенсия ёшидаги муҳтож шахслар ҳақида
ҲИСОБОТ

Т/р	Туман (шаҳар)	Ҳасса												Қўлтиқ-таёқ											
		муҳтожлар					таъминланганлар							муҳтожлар					таъминланганлар						
		жами	шундан				жами	жами сарфланган (минг сўмда)	шундан				шундан ҳомийлар ҳисобидан	жами	шундан				жами	жами сарфланган (минг сўмда)	шундан				шундан ҳомийлар ҳисобидан
			пенсия ёшидаги шахслар	16 ёшдан катта ногиронлар	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар	16 ёшгача ногирон болалар			пенсия ёшидаги шахслар	16 ёшдан катта ногиронлар	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар	16 ёшгача ногирон болалар	сони	сарфланган маблағ (минг сўмда)		пенсия ёшидаги шахслар	16 ёшдан катта ногиронлар	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар	16 ёшгача ногирон болалар			пенсия ёшидаги шахслар	16 ёшдан катта ногиронлар	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар	16 ёшгача ногирон болалар	сони	сарфланган маблағ (минг сўмда)
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27
1.																											
2.																											
...																											

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Жадвалнинг давоми

Эшитув аппарати						Кресло-аравача					
мухтожлар		таъминланганлар				мухтожлар		таъминланганлар			
		шундан		шундан ҳомийлар ҳисобидан				шундан		шундан ҳомийлар ҳисобидан	
28	жами					41	жами				
29	пенсия ёшидаги шахслар					42	пенсия ёшидаги шахслар				
30	16 ёшдан катта ногиронлар					43	16 ёшдан катта ногиронлар				
31	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар					44	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар				
32	16 ёшгача ногирон болалар					45	16 ёшгача ногирон болалар				
33	жами					46	жами				
34	жами сарфланган (минг сўмда)					47	жами сарфланган (минг сўмда)				
35	пенсия ёшидаги шахслар					48	пенсия ёшидаги шахслар				
36	16 ёшдан катта ногиронлар					49	16 ёшдан катта ногиронлар				
37	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар					50	шу жумладан, 16 — 18 ёшдагилар				
38	16 ёшгача ногирон болалар					51	16 ёшгача ногирон болалар				
39	сони					52	сони				
40	сарфланган маблағ (минг сўмда)					53	сарфланган маблағ (минг сўмда)				

Изоҳ: мазкур ҳисобот туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан тўлдирилади.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2016 yil 20 iyun holatiga

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия
буюмлари, реабилитация техник воситалари
ва кресло-аравачалар билан таъминлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси

ПРОТЕЗЛАНУВЧИНИНГ КАРТАСИ

1. Фамилияси _____
2. Исми _____ 3.Отасининг исми _____
4. Яшаш манзили _____
5. Паспорт серияси _____ рақами _____
Ким томонидан ва қачон берилган _____
6. Муҳтож ногирон ёки пенсия ёшидаги муҳтож шахс
_____
7. Ногиронлик гуруҳи, сабаби ва муддати (агар ногирон бўлса)
_____
8. Иш жойи ва лавозими _____
9. Ташхис _____
10. Беморнинг шикоятлари _____
_____
11. Қисқа касаллик тарихи _____
_____
12. Беморнинг аҳволи _____
_____

Т/р	Йўлланма-талон тўғрисида маълумотлар			Протез-ортопедия буюми тўғрисида маълумотлар			
	рақами	расмийлаш-тирилган сана	С қисми қайтарилган сана	номи	нархи	тайёрлаган корхона	кейинги таъминланиш муддати
1.							
2.							
...							

WWW.LEX.UZ